Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 10-may, yakshanba, № 58 (3563)

Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик ва барҳаётдир.

Ислом КАРИМОВ

ЎТГАНЛАРНИ ХОТИРЛАШ, КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — БИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Хотира — ўтганларни эслатиб туради, ўзликни англатади. Қадр — инсонни улуғлайди, жамиятни безайди. Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу тамойиллар мужассам.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик мустаҳкам қарор топди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳр-оқибат туйғулари одамлар қалби ва шууридан чуқур жой олди. Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун саф-ларимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Нуронийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаётини мазмунли қилиш, кўнглини кўтариш йўлида амалга ошириб келинаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан уларни ижтимоий ҳимоялаш кўлами янада кенгайди. Хусусан, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари йилига бир марта санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш имкониятига эга бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб номланди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида ёши улуғ инсонларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, тизимли асосда соғломлаштириш каби хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида”ги ҳамда 6 мартдаги “1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонлари кексаларимизга кўрсатилаётган эъзоз ва эҳтиромнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур фармонларга мувофиқ уруш қатнашчилари ва ногиронларига юбилей медаллари, пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 14 апрелда қабул қилинган “Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони нуронийларимизга қўшимча рағбат, катта руҳий мадад бўлди.



Бу йил Хотира ва қадрлаш куни Кексаларни эъзозлаш йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширмоқда. Байрам “Жасорат, бурч, матонат” шиори остида кенг нишонланмоқда.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 14:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун Ватанимиз, халқимиз Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигини кенг нишонламоқда, — деди Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. — Ана шу буюк сана билан аввало урушда қатнашган, мардлик ва жасорат кўрсатган барча уруш фахрийларини, шулар қаторида фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни, бутун халқимизни табриклаш, уруш майдонларидан қайтмаган, бугунги мусаффо осмонимиз учун жон берган ватандошларимиз хотираси олдида бош эгиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бугун ҳеч кимга сир эмас: миллион-миллионлаб одамлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган бу уруш инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини бу дунёда ҳеч ким унутмайди. Ва фашизм устидан қозонилган ғалаба нақадар қимматга тушганини юртимизда яшаётган **ҳар қайси оила, ҳар қайси одам яна ва яна бир бор англаши, қалбидан ўтказиши табиийдир,** деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистонда ўша пайтда 6,5 миллион халқ яшаган бўлса, шунинг 1,5 миллиондан кўпроғи урушда қатнашганининг ўзи, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, барча эркаклар, мардларимиз қўлига қурол олиб, ягона душманимизга қарши чиққанидан далолат беради.

Қарийб ярим миллион юртдошимиз шу урушда ҳалок бўлгани, қанча-қанчаси ногирон, майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанча-қанча аёллар бева, болалар етим бўлиб қолганини ҳар қайси оила ҳали-бери эсидан чиқармайди. **Бошқача қилиб айтганда, юртимизда бирорта хонадон йўқки, мана шу мудҳиш урушнинг жабрини ўз бошидан ўтказмаган бўлса.**

(Давоми 2-саҳифада).

ЖАСОРАТ, ҚАҲРАМОНЛИК ВА МАТОНАТ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2015 йил 8 май куни Москва шаҳрига ташриф буюрди ва Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида жанггоҳларда жонини фидо қилиб, ер юзида тинчлик ва озодликни ҳимоя қилган барча инсонларнинг мислсиз жасорати, қаҳрамонлиги ва матонати хотирамизда ҳамиша сақланиб қолишини таъкидлади.

Ислом Каримов Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшганини алоҳида қайд этди. Ўша йиллари республикамизда яшаган 6,5 миллион кишидан 1,5 миллиони фронтга кетган. Қарийб 500 минг юртдошимиз жанг майдонларида ҳалок бўлгани, минглаб ўзбекистонликлар бедарак йўқолгани, кўплари майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани эътиборга олинадиган бўлса, халқимиз урушда қанча талафот кўрганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Уруш йиллари не-не азоб-уқубатларни енгиб ўтиб, босиб олинган ҳудудлардан эвакуация қилинган миллиондан ортиқ одамлар, шу жумладан, икки юз мингга яқин етимлар, болалар, ўсмирларга бошпана бериб, охирги нонини ҳам баҳам кўрган Ўзбекистон халқининг олижаноблиги ва бағрикенглигини бугун мамнуният билан эсга оламиз.

Шафқатсиз урушда ҳалок бўлган ва бедарак кетган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг номлари Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ташкил этилган Хотира китобига зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Маълумки, мамлакатимизда 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинган. Бу борада ёши улуғ инсонлар, аввалambор, фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган Давлат дастури қабул қилинди.

Ислом Каримов шу кунларда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида аҳоли кенг қатламлари иштирокида Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган тантанали юбилей тадбирлари ўтказилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу даҳшатли урушдан бугун зарур сабоқ чиқариш ғоят муҳим эканини қайд этди. Уруш бошланишига ким ёки нима сабаб бўлишидан қатъи назар, бундай урушнинг такрорланиши ёхуд янгисининг бошланиши, шубҳасиз, жаҳондаги энг сўнгги уруш бўлишини соғлом фикрли барча инсонлар яхши тушунади.

МДҲ давлат раҳбарларининг Москва учрашувида томонлар Ҳамдўстлик олдида турган масалаларни, олий даражада ўтказиладиган тадбирлар режасини кўриб чиқди, қатор долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

ЎзА



ТИНЧЛИК — ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

Наманган вилояти Поп туманидаги 11-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ташкил этилган Тинчлик дарсига Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тўланбой ота Тўйчибоев таклиф этилди.

Ёшлиги суронли йилларга тўғри келган отахон дарс давомида ўқувчиларга урушнинг азоб-уқубатлари, жасур аждодларимизнинг урушда ва фронт ортида кўрсатган қаҳрамонликлари, бугунги тинч, фаровон ҳаётга эришиш йўлидаги машаққатлар ҳақида ҳаётий мисоллар билан сўзлаб берди. Ёшларни тинчликнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлашга даъват этди.

— Истиқлол туфайли ёшлар замонавий шароитларда таълим-тарбия олиш, касб-ҳунар эгаллаш имкониятига эга бўлди, — дейди отахон. — Бундан унумли фойдаланиш, илм, касб-ҳунар эгаллаш, Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш, тинчликни асраш ёшларнинг олий мақсади бўлмоғи лозим.

Суратда: *Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Тўланбой ота Тўйчибоев Наманган вилояти Поп туманидаги 11-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ташкил этилган Тинчлик дарсида.*

ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардан.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — ФАХРИЙЛАРГА

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларни хотирлаш, жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.

Мазкур йўналишдаги эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан мамлакат миқёсида “Касаба уюшмалари — фахрийларга” акцияси ўтказилмоқда. Акция доирасида барча меҳнат жамоаларида “Жасорат, бурч, матонат” шиори остида турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch

2015-yil 10-may, yakshanba, № 58 (3563), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎТГАНЛАРНИ ХОТИРЛАШ, КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — БИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Халқимиз айни шундай оғир вазиятда кунни — кун, тунни — тун демасдан, машаққатли меҳнат қилиб, **фронт учун, ғалаба учун муносиб ҳисса қўшгани ҳеч эсимиздан чиқмайди,** деб таъкидлади Президентимиз.

Уруш бошланиши билан фронт ҳудудларидан **Ўзбекистонга кўчирилган 1 миллионга яқин оила ва болаларни эл-юртимиз қабул қилгани,** охирги бир бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўргани, "Сен етим эмассан" деб, уларнинг барчасини ўз бағрига олиб, **нафақат бошпана бергани, ўз қалбини очиб, меҳр-мурувват кўрсатганини унутиб бўладими ўзи?!**

Ҳар қайси халқнинг одамийлиги ва маънавий қадриятлари, меҳр-оқибат ва олижаноблиги ана шундай унутилмас дамларда яққол намоён бўлади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Бизнинг ота-боболаримиз бешафқат жанг майдонларида мардлик ва матонат кўрсатганлари учун **уларнинг 338 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани,** минг-минглаб юртдошларимиз жанговар орден ва медаллар билан тақдирлангани — буларнинг барчасини халқимизнинг **фашизмга қарши курашда кўрсатган жасорати ва ботирлигининг амалий намойиши деб биламиз.**

Вақт ўтади, замонлар ўтади, деди Ислом Каримов, лекин Ватан озодлиги ва эркинлиги, эл-юртимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя қилишда курашиб жон берган ўғлонларининг номлари ва хотираси кўпни кўрган, ҳеч қачон ёвуз душман олдида бош эгмаган халқимизнинг ёдида умрбод, абадий сақланади. Бу фазилат эл-юртимизнинг эзгу одатига, қадриятига айланиб кетган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бундан 17 йил олдин 9 май — Ғалаба кунига юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб ном бериб, нақадар тўғри иш қилганимизни вақт ўтиши билан бугун ҳаётнинг ўзи тобора тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг яққол ифодасини пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг марказида ва жойларда барпо этилган Хотира майдонлари айни шу кунларда урушдан қайтмаганларни эслаш, уларнинг хотираси, арвоҳлари олдида бош эгиш учун келган ёшу қарилар, аҳолимиз ва чет эллик меҳмонлар билан гавжум бўлганида кўриш, кузатиш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, энг аввало бизнинг эътиборимиз марказида турган энг шарафли вазифамиз — урушда қатнашган, бугун сафимизда бўлган, ҳар қадамда бизни қўллаб-қувватлаб келаётган фахрийларимиз ҳақида алоҳида гаплашиб олишимиз зарур, деб биламан.

Ўйлайманки, ҳаммамиз яхши биламиз — биз яшаётган ҳаёт — бу оқар дарё, дейди халқимиз. Яъни, бошқача айтганда, бу дунё ғанимат эканини эсимиздан чиқармасдан, бешафқат урушда қатнашган, фронт ортида ўзини аямасдан меҳнат қилган ватандошларимизни қадрлаш, эъзозлаш, умрини узайтириш, уларни эслаб, ҳолидан хабар олиш, руҳини кўтариш — бундай эзгу ишлар барчамизнинг энг олижаноб бурчимиз бўлиши шарт.

Бу аввало раҳбарларнинг, вазифада ўтирганларнинг бурчи эканини, улар фахрийлар билан тез-тез учрашиб туриши, иложи борича уларнинг ҳаётидаги муаммоларнинг ечимини топиши, бундай амалий эътиборнинг аҳамиятини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги зарур, деди Юртбошимиз.

Бу борада Кексаларни эъзозлаш йили, деб ном олган жорий йилда, жумладан, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан мамлакатимизда қандай кенг кўламли, катта чора-тадбирлар амалга ошираётганини халқимиз, аввало ҳурматли фахрийларимиз яхши биладилар.

Лекин ҳаёт дегани муаммосиз бўлмайди. Шу маънода, ёши улуғ инсонларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий, маиший шароитларини янада яхшилаш биз учун доимо долзарб вазифа сифатида туриши даркор.

Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик ва барҳаётдир.

Ҳеч шубҳасиз, Улуғ Ватан урушида барча халқлар билан бирга бўлиб, фашизм балоси устидан қозонган Ғалабамизни, бу урушда халқимиз кўрсатган матонат, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини авлодларимиз асло унутмайди, жанг майдонларида бизнинг ўғлонларимиз нимага қодир эканини доимо ғурур ва ифтихор билан эслайди, деди Ислом Каримов.

Шу борада биз ҳаётимизнинг бир ҳақиқатини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Мана шу бешафқат урушда, жанг майдонларида қурбон бўлган ота-боболаримиз қандайдир тепалик ёки қандайдир "улуғ доҳий" учун эмас, аввало, ўз юрти, ота-онаси, севган ёри, фарзандлари учун жон берган, "Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни яна бир бор кўрсам", деб ҳаётдан кўз юмган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мана шундай ўз юртини севиш, бетакрор она Ватанига садоқатли бўлиш, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилат, десам, адашмаган бўламан.

Истиқлол даврида туғилиб вояга етган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ куни учун бутун борлиғини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлиши — буларнинг барчаси бугун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айлангани ҳаммамизга ишонч ва куч-қувват бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Мана шу даҳшатли уруш хаёлимиздан ўтар экан, яна бир ҳақиқатни айтмасдан ўтишга ҳаққимиз йўқ.

Гап бошимиздан кечирган қонли ва бешафқат уруш бошқа ҳеч қачон қайтмаслиги, бундай фожиа ва қирғинларнинг олдини олиш ва улардан одамзотни асраш ҳақида кетмоқда.

Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтиш керак: бизнинг халқимиз кўпчилик халқлар қатори нимани истайди, нимани хоҳлайди — бизга тинчлик керак, бизга омонлик керак! Эртанги кунимиз ёруғ, осмонимиз мусаффо бўлсин, барчамиз ўз орзу-ниятимизга етайлик!

Бизга, қолаверса, ер юзидаги барча халқларга ана шундай, бир қарашда жуда оддий, лекин аниқ нарсалар керак!

Аммо, минг афсуски, деб таъкидлади Президентимиз, бунинг ўрнига бугун шиддат билан ўзгариб, тобора кескинлашиб бораётган дунёда, узоқ ва яқин атрофимизда бунга тескари воқелик, вазият хатарли тус олмоқда ва барчамиздан бепарволикка йўл қўймасдан, доимо огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишни замонамизнинг ўзи талаб қилмоқда.

Жаҳоннинг турли минтақа ва ҳудудларида қарама-қаршилик ва зиддиятлар, қонли можаролар, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда, фашизм деган бало яна бош кўтармоқда, миллатчилик, шовинизм сингари офатлар майдонга чиқмоқда.

Бутун инсониятни ташвишга солаётган бундай мураккаб шароитда барча тинчликсевар кучларнинг саъй-ҳаракат ва имкониятларини ягона мақсад йўлида сафарбар этиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгаши ва бошқа нуфузли халқаро институтларнинг ўрни ва таъсирини кучайтириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз бугун, ҳақиқатан ҳам, қандай гўзал, бетакрор заминда яшаяпмиз. Шу маънода, "Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган саволни олдимизга қўйиб, ҳозирги ҳаётимизни кечаги кунимиз билан солиштирадиган, **қиёслайдиган бўлсак, ўйлайманки, орамизда Ватанимизнинг бугунги тараққиёти билан фахрланмайдиган, буни қадрламайдиган одамнинг ўзи йўқ, десам, адашмаган бўламан.**

Олдимизда турган энг устувор вазифалар ҳақида гапирадиган бўлсак, деди давлатимиз раҳбари, энг муҳими, барчамизнинг бошлаган ишларимизнинг давомчиси бўлган, барча масъулиятимизни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фарзандларимиз — ёшларимиз, янги авлодларимизга равон йўлларни очиб беришга эътиборимизни янада кучайтиришимиз зарур ва уларни ҳар қандай бало-қазолардан асрашимиз керак.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан **"Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" деган мавзуда тадқиқот ўтказилди ва унинг натижалари матбуотда эълон қилинди.**

Ана шу тадқиқотга кўра, Ўзбекистонимиз мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган.

Бу ниманинг далолати, бу ниманинг исботи?

Бу аввалambор мустақиллик даврида биз эришган улкан марраларни, иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётгани ва бу ютуқларни дунё ҳамжамияти яна бир бор тан олаётганини кўрсатади, деб таъкидлади Президентимиз.

Энг муҳими, буларнинг барчаси кўпни кўрган, эртанги кунга катта ишонч билан яшаётган, иродаси бақувват, иймони бутун халқимизнинг меҳнати, мардлиги ва матонатининг натижасидир.

Буларнинг барчасини Ўзбекистонимиз Оллоҳнинг назари тушган табаррук юрт эканининг, Худонинг ўзи йўлимизни очиб бераётганининг тасдиғи деб биламиз.

Бизнинг тилагимиз, истагимиз шуки, Яратганимиз биздан ўз марҳаматини дариғ тутмасин, ёмон кўзлардан ўзи асрасин, эзгу ишларимизда доимо ўзи мададкор бўлсин, деди пировардида Ислом Каримов.

* * *

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

ЎзА

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — ФАХРИЙЛАРГА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан пойтахтимизнинг Миробод тумани "Парвони" ҳамда "Чинор" маҳаллаларида истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари ва фронт орти фахрийларига совғалар тақдим этилди. Шу куни тармоқ касаба уюшмаси ходимлари ҳамда маҳалла фаоллари ташаббуси билан байрам дастурхони ёзилди.

— Юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган бу қутлуғ байрам шу қадар азизки, бугун сафимизда бўлган уруш қатнашчилари, нуроний отахонларимиз биз учун ибрат мактаби сифатида қалбимизни эзгуликка тўлдириб юрганларидан бағоят бахтиёрмиз, — деди тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг бош юрисконсулти Арифжон Гайназаров.

Баҳром ҚУВВАТОВ,
Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши мутахассиси

***

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан "Касаба уюшмалари — фахрийларга" анъанавий акцияси доирасида ёши улуғ инсонлар, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ғамхўрлик ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уй-жойларини таъмирлаш ҳамда Ватанимиз истиқлоли, турмушимиз ободлиги, халқимизнинг осойишталиги, фаровон ҳаётини ҳимоя қилишда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларга ҳурмат келтириш мақсадида "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида бир қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, Гулистон туманида истиқомат қилаётган 11 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси хонадонида бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ажратилган пул мукофотларини топширдилар.

— Урушга кетганимда 18 ёшда эди, — дейди уч қаҳрамонлик отахон Илёсхон Мадумаров. — Украина, Белорус, Полшани озод этишда қатнашдим. Элба дарёси бўйида бўлган жангларда яраландим. Ғалабани госпиталда кутиб олганман. Олти йил деганда уйимга қайтдим. Мана энди элим, фарзандларим, невара, чеваралар ардоғидаман. Яқинда уйимизга вилоят ҳокими ташриф буюриб, кўксимга медал тақиб кетганди, мана энди сизлар йўқлаб турибсизлар. Барча ғамхўрлик ва эҳтиром учун ўз миннатдорлигимни билдираман. Илоҳим, юртимизда ҳамиша тинчлик, фаровонлик ҳукм сурсин.

Шунингдек, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан 59 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига 300 000 сўмдан мукофот пули тақдим этилди. Янгиер шаҳрида жойлашган "Мурувват уйи"да истиқомат қилувчилар учун байрам дастурхони ёзилиб, совғалар топширилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

***

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Хотира ва қадрлаш куни арафасида қандли диабет билан оғриган кексалардан 15 нафарига тармоқ Республика кенгаши томонидан ажратилган глюкометр (глюкотест билан) асбобларини топширди.

Тадбирда бирлашма кенгаши раиси Фарҳод Хидиров сўзга чиқиб, мамлакатимизда фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёши улуғ инсонларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик хусусида тўхталиб ўтди.

— Инсон қадри баланд юртда яшаётирмиз, — дейди Каттақўрғон тиббиёт бирлашмасида акушер бўлиб ишлаган иккинчи гуруҳ ногирони Сулҳида Шарапова. — Кексаю ёш давлатимизнинг ғамхўрлигини, жамоатчиликнинг меҳрини чуқур ҳис этиб турибди. Касаба уюшма фаоллари бизнинг дардимизни қалбан ҳис қилиб ушбу тиббий асбобларни тақдим этишди. Бундан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

— Жамоат ташкилоти ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини муҳофазалаш борасида ибратли ишларни амалга оширяпти, — дейди пайариқлик шифокор Одил Туғилов. — Ходимлар имтиёзли равишда ўзи истаган сиҳатгоҳда дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаш имконига эга. Уларнинг фарзандлари оромгоҳларда соғломлаштирилмоқда. Ташкилотнинг туризм йўналишида амалга ошириб келаётган ташаббуслари ҳам барчага манзур бўлаётир. Бугунги тадбирни хайрли ишларнинг узвий давоми, десак адашмаймиз.

Ўз мухбиримиз

***

Умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан "Касаба уюшмалари — фахрийларга" акцияси доирасида турли маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

— Вилоятда яшовчи 295 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 300 минг сўмдан, жами 88 млн. 500 минг сўм миқдорида пул мукофоти топширилди, — дейди бирлашма кенгаши раиси Валишер Азизов. — Меҳнат жамоаларида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида "Жасорат, бурч, матонат", "Эъзоз", "Авлодлар учрашуви", "Эҳтиром", "Фахрийлар – фахримиз" мавзуларида тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди.

Кексаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Олтиариқ туманида яшаётган нуроний онахонлар — 120 ёшли Х.Мамажонова, 115 ёшли Р.Жумаева ва 114 ёшли О.Ҳамраева ҳолидан хабар олинди. Уларга касаба уюшмаларининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

"Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг иштироки", "9 май — Хотира ва қадрлаш куни" мавзулари уюштирилган маънавият соатларида 2976 нафар меҳнаткаш ва ёшлар иштирок этди. Корхона, ташкилот ва муассасада ишлаб, ҳозирда нафақада бўлган уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар)га касаба уюшма маблағидан мукофотлар топширилди.

"Касаба уюшмалари — ҳарбийларга" акцияси доирасида хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига 2 млн. 800 минг сўмлик манзилли ёрдам кўрсатилди.

Вилоят ҳудудида жойлашган "Зилол", "Чимён", "Нурафшон", "Чимён чашмаси" санаторийлари ҳамда "Чимён" пансионати ҳамда профилакториясида соғломлаштирилаётган 120 нафар фахрий ўртасида спортнинг шахмат, шашка турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Шунингдек, «А.Акбарали», "Қува текстил", "Фарғона ДЭУ текстил" МЧЖларида ёшлар ўртасида футбол бўйича Хотира турнирлари ўтказилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан меҳнат фахрийлари Фарғона шаҳридаги театр ҳамда Қўқон шаҳридаги музейларга олиб борилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
"Ishonch" мухбири

***

Чуст шаҳрининг "Сўфизода" маҳалласида умргузаронлик қилаётган Олимбой ота 92 ёшда ҳам бардам, тетик. Отахоннинг хонадонига ташрифимиз Чуст туманидаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг зиёрати билан бир вақтга тўғри келди. Йигирма чоғли ўғил-қизга отахон бошидан ўтган фожеали кунларни ҳикоя қилиш асносида бугунги кунларимизнинг қадри қанчалик баланд эканлигини уқтирарди. Дарқақиқат, 17 ёшидаёқ ўлим билан юзма-юз бўлиш ҳар қандай инсонни ҳаёт оловида тоблаши тайин.

Олимбой ота каби минглаб жафокашларнинг айни изтиробларини унуттириш, дориламон кунларимиз учун қўшган ҳиссаларига миннатдорлик туйғуси асносида мустақиллик йилларида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Юртбошимиз томонидан юртимизда умумхалқ байрами сифатида таъсис этилган Хотира ва қадрлаш куни юртимизда 1999 йилдан бери миллатнинг катта байрамига айланиб улгурди.

Жорий йилда ҳам Наманган вилоятида "Касаба уюшмалари — фахрийларга" акцияси доирасида 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларининг 160 нафарига, жумладан, 71 нафарига маданий тадбирларда, 89 нафарига манзилли ёрдам кўрсатилди. "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан биргаликда ҳар бир фахрийга касаба уюшмалари томонидан 300 минг сўмдан пул мукофоти топширилди. Корхона, ташкилотларда ўтказилаётган маънавият соатларида ҳам уруш қатнашчиларининг ер юзидан залолатни кетказиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига муносиб баҳо берилмоқда.

Дилдора РАҲМОНОВА,
"Ishonch" мухбири

***

Қодир ота Матчонов уруш иштирокчиси. Узоқ йиллар журналистика соҳасида самарали меҳнат қилиб, жамият равнақига муносиб ҳисса қўшган отахон айни кунларда яқинлари ва шогирдлари ардоғида.

Касаба уюшмалари томонидан уруш фахрийларини санаторийларда бепул соғломлаштириш тадбирлари бошланганда, Қодир Матчон исми-шарифи рўйхатга биринчилар қаторида киритилди. "Хонқа" санаторийсида дам олган фахрий журналист кўрсатилган меҳр-оқибатдан бир неча йилларга ёшариб кетгандек бўлди.

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида кўплаб тадбирлар уюштирилиб, бу жараёнда вилоятдаги ҳеч бир уруш ва меҳнат фахрийси эътибордан четда қолмаяпти.

Жумладан, меҳнат жамоаларида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига кўмаклашиш, уларда миллий ғурур ва ўзини англаш ҳиссини шакллантириш мақсадида "Жасорат, бурч, матонат", "Эъзоз", "Авлодлар учрашуви", "Эҳтиром", "Фахрийлар — фахримиз" мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Уларда Президентимизнинг "Ўзбекистонга тинчлик ва омонлик керак" рисоласининг мазмун-моҳияти кенг оммага етказилмоқда. Уруш майдонларида жаҳолат илдизига болта уриб, омон қайтган отахонлар тинчлик энг олий неъмат эканлигини қайта-қайта эътироф қилмоқда. Шу билан бирга, меҳнат жамоаларида уюштирилаётган "Тарихсиз келажак йўқ", "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг иштироки", "9 май — Хотира ва қадрлаш куни" мавзуларидаги маънавият соатлари ҳам жонли мулоқот асосида ташкил қилиниб, уларда уруш ва тинчлик мавзуси чуқур таҳлил қилинаётир.

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини тақдирлаш учун Федерация Кенгаши томонидан ажратилган маблағлар асосида 168 нафар уруш қатнашчисига 50,4 млн. сўмлик, хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган 7 нафар ҳарбий хизматчи оилаларига пул мукофоти ва манзилли ёрдамлар кўрсатилди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
"Ishonch" мухбири



Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари байрам арафасида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, кекса отахону онахонлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг 100 нафарига совға-саломлар улашди.

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

Пойтахтимизнинг Миробод туманида яшовчи Собира Булатова бу йил табаррук 98 ёшни қаршилади. Яқинда "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан тақдирланган онахон урушнинг даҳшатли оқибатларини кўрган.

Бир гуруҳ вакиллар байрам арафасида совға-саломлар билан онахоннинг хонадонида бўлишди.

— Жаннатмонанд Ўзбекистонимизда биз, нуронийлар ҳамиша ҳурмату эъзозда эканлигимиздан бениҳоя миннатдормиз. Минг қатла шукур халқимиз бехавотир яшаб, фарзанду набиралар ардоғида хотиржам ҳаёт кечирмоқдамиз, — дейди онахон. — Давлатимиз кўрсатаётган эътибор кўнглимизни тоғ қадар кўтарди. Бизни шунчалик эъзозлаб, ҳолимиздан хабар олаётган, бундай хайрли ишларнинг бошида турган меҳридарё инсонлар ҳамиша омон бўлсин.

Онахон ёши улуғларни ҳурмат қилиш, дуосини олиш, уларнинг бой ҳаёт тажрибасидан ёшлар тарбиясида фойдаланиш ҳақидаги қимматли фикрларини айтишдан чарчамайди.

Биз хонадонида бўлган уруш фахрийси Анвар Чуканов, меҳнат фронти фахрийси Фатхулла Абдуллаев каби нуронийларимиз ҳам халқимизга хос бўлган меҳр-оқибатдан мамнун бўлиб, касаба уюшмаларига бундай эъзоз ва эътибор учун самимий миннатдорликларини билдиришди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
"Ishonch" мухбири.
Муаллиф олган суратлар



2015-yil 10-may, yakshanba, № 58 (3563), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Хотира — абадий, қадр — муқаддас



Инсон - хотира билан тирик, қадр билан улуғ.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган 500 мингга яқин юртдошимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун момоларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, агар таъбир жоиз бўлса, эртанги кун учун ҳам қўйилган тамал тошидир.

ИБРАТ

Президентимизнинг 2015 йил 26 мартдаги «Хотира ва қадрлаш умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги Фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири чиқарган буйруғига асосан Фуқаро муҳофазаси институти профессор-ўқитувчилари томонидан Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларида жойлашган ўқув муассасаларида "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида суҳбатлар ўтказилди.

Бундан ташқари, Хотира ва қадрлаш куни арафасида, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган институт ходимлари О.Третьяков, полковник А.Кротов, полковниклар (марҳум) В.Никитин, В.Кожухов, Т.Айдаров, подполковниклар А.Штанько, Н.Ковтуненко, бош ҳисобчи бўлиб ишлаган С.Переверзева, маъмурий-хўжалик бўлими ходими бўлиб ишлаган М.Ҳайдаровларни (охиратлари обод бўлсин) ёд этдик. Устозлар босиб ўтган ҳаёт йўли ёшлар учун ибрат эканлиги таъкидланди.

Рихсивой СОБИРОВ,
ФМИ катта ўқитувчиси,
касаба уюшма қўмитаси раиси

АРДОҚДАГИ ИНСОНЛАР ҲУЗУРИДА

Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса санаторийсини бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам яхши билишади. Бу бевосита ҳудуднинг табиий иқлими, сиҳатгоҳнинг мафтункор қиёфаси, инсон саломатлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган шифокорларнинг малакали хизмати, қолаверса, саёҳатга иштиёқмандлар учун қадимий шаҳарнинг ноёб ёдгорликлари, табаррук зиёратгоҳлари билан боғлиқдир. Айниқса, кейинги уч-тўрт йил ичида амалга оширилган ўзгаришлар натижасида сиҳатгоҳ янада тароват очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ жорий йилда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан сиҳатгоҳда хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, сиҳатгоҳнинг биринчи қаватида



"Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари" бўлими ташкил этилди. Бўлимнинг 14 та хонасида фахрийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш учун барча шароитлар яратилди. Санаторийга ташриф буюрган отахон ва онахонлар учун алоҳида қабулхона фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда уларни дастлаб 1-тоифали терапевт-врач Муқаддас Жумаева кутиб олади. Шунингдек, мавжуд УЗИ ва ЭКГ аппаратлари тўғри ташхис қўйишда кўмаклашади.

Хоналардаги санузеллар, ювиниш ускуналари кексаларга мослаштирилди. Ногиронлик аравачалари учун қўшимча йўлаклар, шу қаватнинг ўзида алоҳида овқатланиш хоналари ташкил этилди. Кўркам ётоқ ва дам олиш хоналарида телевизор, музлатгич, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, ортопедик тўшаклар, қўшимча ёритгич мосламалари, телефон ва бошқа қулайликлар муҳайё этилган.

Куни кеча "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 2015 йил 16 апрелдаги қарорига асосан "Жасорат , бурч, матонат" шиори остида "Сизнинг ҳаётингиз биз учун ибрат" мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда санаторий директори Умар Шеров ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-курортлар бошқармасининг маданий-маърифий ишлар ташкилотчиси Маҳмуда Мурзаева барчани байрам билан муборакбод этишди.

— Касбим ўқитувчилик. 38 йил мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бердим. Йигирма йил давомида "Нуроний" жамғармасида ишладим. Иккинчи жаҳон уруши азобуқубатларини бошдан кечирганман. Ўша машъум кунлар сира қайтиб



келмасин. Бугунги тинчлик ва фаровонлигимизга кўз тегмасин. Шукур қилиб, ушбу улуғ неъматларнинг қадрига етайлик, азизларим, — дейди навоийлик Абрий бобо Раҳматов. — Мана, бир ҳафтадирки, ушбу гўзал масканда яйраб дам оляпман. Саломатлигимни тиклаяпман.

Тадбирда Ватанга муҳаббат, тинчлик, осойишталик, фаровон ҳаётдан мамнунлик, инсонларга ҳурмат ва эътиборнинг ошаётгани ҳақида дил сўзлари айтилди. Хушовоз хонандалар томонидан ижро этилган дилрабо куй ва қўшиқлар кўнгилларга ҳузур бағишлади.

Тадбирда фахрийларга санаторий маъмуриятининг эсдалик совғалари топширилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

«ДАВЛАТИМСИЗ, ОТАЖОН!..»

Иккинчи жаҳон урушига Сурхон воҳасидан кетган 47 минг кишининг 13 минг нафардан ортиғига ўз оиласи бағрига қайтиш насиб этмаган. Урушнинг оти ўчсин, дейман ҳар сафар шу рақамлар ёдимга тушса. Тинч-осойишта ҳаёт кечираётганимизга шукрлар қиламан.

Ҳозирги кунда умргузаронлик қилаётган уруш фахрийларига давлатимиз томонидан жуда катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Улар муносиб ҳурмат-эъзоз оғушида кексалик гаштини сурмоқда.

Шу фахрийлар орасида менинг 91 яшар отам Абдураҳмон Чориев ҳам борлигидан фахрланаман. Отажонимиз бизнинг давлатимиз, у кишининг дуолари, панд-насиҳатлари йўлимизни ёритувчи чироқдир. Биз фарзандлари — акам Бурҳон, опа-сингилларим Бибихол, Гулчеҳра ва Гулбаҳорлар ҳамда 30 нафардан ортиқ невара, 24 нафар чевералар у кишининг атрофида парвонамиз.

Отамнинг маслаҳати билан тарих китобларини кўп ўқийман. Фарзандларим ва невараларимни ҳам ўтмишдан сабоқ чиқаришга ундайман. Отамнинг қачон, қайси фронтларда жангга кирганлигини, қайси шаҳарларни озод қилишда қатнашганини яхши биламан. Тарихга қизиқишим сабаб бўлиб Ўзбекистонимиз, айниқса, Термизнинг тарихини, халқимиз орасидан етишиб чиққан афсонавий қаҳрамонларнинг кечмиш баҳодирликларидан хабар топдим. Отамни ҳам ўша номи ўчмас қаҳрамонларимиз қаторида кўргандай бўламан. Бу туйғу менда чексиз фахр-ифтихор ҳисини жўш урдиради.

Отам менда ёшлигимдан ўқишга ҳавас уйғотганлигидан миннатдорман. Унинг панд-насиҳатлари билан ўзим орзу қилган Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида ўқидим. Ҳозирда севган касбим бўйича элнинг хизматидаман. Мутахассислигим бўйича Қумқўрғон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида ўқувчиларга сабоқ бериб келаяпман. Ниятим, отадек жонажон юртимга муносиб юксак маънавиятли фарзандлар ва шогирдлар тайёрлашдир.

Мамади ЧОРИЕВ,
Қумқўрғон тумани
"Пахтаобод" маҳалласи

Назаримда, биз яшаётган, кундан-кун ёшараётган дунёмиз шукрона устига қурилганга ўхшайди...

ФАРАҲБАХШ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

1970 йил, 25 майда мен мактабнинг битирув оқшомига қатнаша олмадим. Чунки ўша куни отамни пишган ғиштдан икки хонали уй қура бошлаганлари учун қамаб қуйишди. Эртасига ўртоқлари келиб, чала уйнинг сиртини ариқдаги лой билан суваб чиқишди.

Сўнг уч кун сўроқ берган паҳлавон отажоним кичкина тортиб, уйга кириб келди.

— Раис бува сотган сигир-бузоғим ҳақида ҳужжат берибди. Йиллик даромадим ҳақида ҳам, — деди отам уйга қайтганидан қувониб. Менинг тасаввурим алғов-далғов бўлиб кетди. Одам йиғлаб туриб ҳам ўзини қувноқ кўрсатиши мумкинлигидан ҳайратга тушгандим, ўшанда. Ўша даврнинг қилдан нозиклигини англаб, ўзиданмас, биз саккиз фарзанди тақдиридан қўрққан, кўзлари ич-ичига чўккан отажоним қурган уйни энди Шавкат укам яшнатиб, маҳобатли устунлар билан безаб қўйганидан шукрона қиламан.

Тадбиркорликка кенг йўл очиб, халқнинг кўнгли-ю турмуши обод бўлиши учун узлуксиз ислоҳотлар олиб бораётган Юртбошимизни дуо қилиб ўтирган, озод замона сабаб ҳожи она бўлган онажонимнинг хурсандчилигига шерик бўламан. Битта енгил машина олгани ёки эгнидаги импорт кийими учун юрак ўйноғи орттиргани ҳақида бугуннинг одамларига гапирсам, "жа-а, оларкансиз-да", дейди. Мен мабодо отам енгил машина сотиб олсалар, машина учун пул қўшганман, дейиш учун болалигимда чиққан шеърларимга олган қалам ҳақини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам йиғиб юрардим.

2002 йилда раҳматли отажонимни Мустақиллик майдонига етаклаб олиб бордик. Бир вақтлар офтоб жазирамасида қизиб ётадиган асфалт майдон чинакам сайлгоҳга айланганини кўриб қувонган отам ғамгусор она ҳайкалини қучоқлаб, — Ҳамро онамнинг ҳайкали-ку! — деб йиғлаб юборди. Сўнг: — Енги узун кўйлакларини кийиб, эшик олдида акаларимни худди шундай кутиб ўтирарди, — деди. Туроб акам урушдан қўлтиқтаёқда қайтди. Эргаш акам бедарак кетди.

Биз Хотира китобини варақлаб, отамга тўнғич акаси Эргаш Абдуазимов 1942 йил, 21 ёшида Украина остонасида ҳалок бўлгани ҳақида ўқиб бердик.

— Бедарак кетмаган экан, акажоним! Ётган жойлари, оламдан ўтган кунлари аниқ экан. Онам акамнинг тақдирини билолмай, йўл пойлаб ўтиб кетди, — деб йиғлаб юборди. Уларга қўшилиб биз ҳам йиғладик. Уруш кўрган, Берлингача борган мард ва жасур одамнинг елкаларини силкитиб-силкитиб йиғлаши менга ғалати кўринди. Одам суюнганида ана шундай елкаларини силкитиб йиғлар экан...

— Ўтганларни ҳам, қолганларни ҳам, келажакни ҳам бир хилда ўйлайдиган, ҳеч кимни назаридан қолдирмайдиган Президентимиз доимо яратганнинг назарида бўлсин! — деб дуолар қилди. Кўп ўтмай, "Хотира" китоби сабаб, Эргаш амакимга жаноза ўқитиб, эҳсон қилди. "Номаълум"ларни маълум қилиб берган оқилу одил Юртбошимизга узоқ умр тилади. Назаримда отамнинг бу дуоси бутун халқнинг дуоси эди. Оққўнгил, меҳнаткаш юртдошларимнинг шукронаси эди.

Умида АБДУАЗИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

Миробод туманидаги "Сарикўл" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Кундуз ва кеча" тўйхонаси вақт пешинга яқинлашгани сайин гавжумлаша бошлади.



«САРИКЎЛ»ДА БАЙРАМ

— Айни вақтда ҳудудимизда 180 нафар 70 ёшдан 95 ёшгача бўлган отахону онахонларимиз умргузаронлик қилишяпти, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хурсандой Авазова. — Уларнинг барчаси ҳукуматимиз ва шахсан Юртбошимиз томонидан ёши улуғ инсонларга кўрсатилаётган меҳр-оқибатдан хурсанд. Бугунги байрам ҳам айнан шу эътиборнинг бир кўриниши десак, янглишмаймиз. Кексалар доимий назоратимизда. Яқинда ҳудудимизда тиббий марказ очилди. Ҳар ойда 2 нафардан қариямиз шу ерда бепул соғломлаштирилмоқда. Ҳомийларимизга минг раҳмат. Мазкур тадбир ҳам маҳалламиз ҳудудидаги кичик корхоналар раҳбарлари жонбозлиги билан уюштирилди.

Шундан сўнг фахрийларга совға-саломлар улашилиб, дастурхонга ош тортилди. Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар даврага файз киритди.

Неъмат РАФИҚОВ,
"Ishonch" мухбири

ДОРИЛАМОН КУНЛАРИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН!

Болапарвар халқимиз. Айни пайтда биз кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ардоқ ҳеч бир юртда йўқ. Чунончи, қарилик пенсиясини ойма-ой уйимизга келтириб беришса, яна йилма-йил нафақамиз ошиб турса, шифокорлар саломатлигимизни назорат қилса, бу кунларнинг шукронасини қилиб яшаш биз учун фарз-да, деб ўйлаб қоламан баъзида.

Ўзим яшаётган Марғилон шаҳридаги ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, намунавий лойиҳа асосида қурилган уй-жойлар, кенг ва равон йўлларни кўриб, юртимиз жамоли кўз ўнгимда намоён бўлади.

Невара-чевараларим таълим олаётган яп-янги мактаб, коллеж, лицейлар бизнинг тушимизга ҳам кирмаганди. Истиқлолдан баҳра олиб кундан-кунга яшнаб, яшараётган жаннатмонанд юртимизнинг эртанги эгалари, ишонаманки, бугунги меҳр-оқибатни ўн чандон қилиб қайтаради.

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда катта тантана билан нишонланади. Бу улуғ ва қутлуғ санада биз уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида эътибор кўрсатилади. Бу йилги эҳтирому иззат-ҳурмат биз уруш фахрийларини яшартириб юборди.

Марғилон шаҳар ҳокими ўринбосари Иқбол Ғофуров ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида менга эсдалик юбилей медали ва пул мукофоти топширилди. Касаба уюшма фаоллари ҳам совғалар билан уйимизга кириб келишди. Бу беқиёс меҳр ва иззат-икром яна қайда бор?

Биз нуронийларнинг қадримизни ошириб, эъзозлаётган, саломатлигимиз учун барча шарт-шароитларни яратиб бераётган давлатимиздан миннатдормиз. Ўзбекистонимизнинг келажаги чиндан-да порлоқ. Осмонимиз доим мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин.

Абдусамад ота ҒУЛОМОВ,
Иккинчи жаҳон уруши
қатнашчиси.
Марғилон шаҳри.

БОБОМНИНГ МАКТАБИ

Бобомнинг аянчли хотираларини кўп тинглаганим учунми, бола эканмизда кўчада тенгдошларим "уруш-уруш" ўйнаса, росманасига ғашим келарди. Форма кийиб, иқтисодий хавфсизлик ҳимоячиси - божхоначи бўлишни танлашимга ҳам бобом сабабчи десам асло муболаға эмас.

Дарвоқе, бобом — Қосим Обидов 1921 йил, тақдирнинг аччиқ ҳазилини қарангки, айни 9 май санасида таваллуд топган. Мудҳиш урушдан сўнг ушбу сана бобом учун байрам эмас, кўпроқ жангу жадалларда халок бўлган хизматдошлари хотирасини ёдга олиш, бугунги дориламон кунларга шукрона келтириш тарзида ўтади.

1941 йилнинг кеч кузида эндигина 20 ёшни қаршилаган бобом ҳам жангга отланган. Украина, Молдова, Чехия, Словакия, Белорусдаги жангларда қатнашиб, Берлингача етиб борган. 1946 йилнинг ёзида она Ватанига соғ-саломат қайтиб келган. 1947 йилда эса бувим — Раҳимахон билан оила қурган.

Урушдан сўнг бобом Тошкент халқ хўжалиги институтининг (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) кечки бўлимида таҳсил олди. Ўқиш билан бир вақтда турли ташкилотларда ҳисобчилик қилди. Уч йил "Энг аълочи савдо ходими" эсдалик нишони билан тақдирланди. Касбига қаттиқ меҳр қўйгани боис 78 ёшига қадар бобом қизғин меҳнат фаолиятидан ажралмади. Бу орада биз невaралар ҳам бобомнинг кўмагида мустақил ҳаёт йўлимизни танладик.

Бугун бобом юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт учун шукрона айтишдан чарчамайди. Биз истиқомат қилувчи Учтепа тумани "Ибрат" маҳалласидаги катта-ю кичик бобомдан тез-тез хабар олиб туришади.

Ёшлар билан суҳбатда бобом тинчликнинг қадрига етиш, яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, ёшликнинг ҳар бир онини ғанимат билиш, ўқиш, билим олиш зарурлигини таъкидлайди.

Хотира ва қадрлаш кунида бобом биз невaралари билан анъанага мувофиқ, пойтахтимиздаги муаззам Хотира хиёбонига борди. Мангу олов қаршисида узоқ хаёлга чўмади. Мен эса бобомни кузата туриб, уники каби кечган минглаб инсонларнинг тақдири ҳақида ўйлайман, бугунги осойишта ва фаровон кунларга осонликча эришилмаганини англайман.

Президентимизнинг тегишли Фармонларига мувофиқ, Учтепа тумани ҳокимлиги вакиллари хонадонимизга келиб, бобомга давлатимиз раҳбари номидан эсдалик юбилей медали ва пул мукофотини топширишди.

Ўша куни уйимиз байрам шукуҳига тўлди. Бобомдаги хурсандчилик ва миннатдорлик туйғуси оиладаги барчамизга кўчди. Дарҳақиқат, тинчлик йўлида кўрсатилган жасорат ва матонат олий даражада қадрланар экан, бу байрам давом этаверади.

Баҳодир АЗИМОВ,
"Тошкент Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси катта инспектори, божхона хизмати капитани

2015-yil 10-may, yakshanba, № 58 (3563), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

“КАСАБА-ТУР” ВЕЛОМАРАФОНИ

Эътироф этиш даркорки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳомийлигида ҳаваскор спортчилар ўртасидаги ўтказилаётган мусобақалар тобора катта аҳамият касб этмоқда.

ОММАВИЙЛИК САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Фарғона Олимпия захиралари спорт коллежи яқинидаги Оқариқ ва Нурафшон кўчалари бўйлаб ташкил этилган вилоят босқичи мусобақаларида 300 га яқин ҳаваскор велоспортчи қатнашди.

— Етмиш тўрт ёшни қаршилаб, веломарафонда қатнашаётганимдан жуда хурсандман, — дейди Фарғона туман тиббиёт бирлашмаси шифокори Эркин Жўраев. — Аслида болаликдан велосипедга ошноман. Ишга, уй юмушларини бажаришда ҳам у доимий ҳамроҳим. Бундай мусобақаларнинг ўтказилиши ёшлар орасида велоспортга бўлган қизиқишни орттириш билан бирга, ишчи-ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Ташкилотчиларнинг мени “Энг ёши улуғ пойгачи” номинациясига муносиб кўрганидан миннатдорман.

Қизғин курашлар остида ўтган пойгалар ғолиб ва совриндорларни аниқлаб берди. Эркаклар ўртасида 20-35 ёшлилар ўртасида Қува тумани “Роҳатой” фермер хўжалиги ишчиси Раҳимберди Мамасолиев, 35 ёшдан юқорилар ўртасида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ишчиси Георгий Бордошенко бош совринни қўлга киритди.

Аёллар ўртасидаги баҳсларда 20-35 ёшлилар ўртасида биринчи ўрин “Делфин” сузиш спорт мактаби мураббийси Ўғилой Тешабоевага, 35-ёшдан юқори ҳаваскорлар ўртасида “Фарғона Азот” АЖ ишчиси Олга Кравченкога насиб этди. Шунингдек, бешта йўналишда иштирокчилар турли номинациялар бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

***

Қарши шаҳрида “Касаба-тур” веломарафонининг вилоят босқичи қизғин курашларга бой бўлди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтган биринчи босқичда 8000 нафарга яқин ҳаваскор велоспортчи стартга чиққан бўлса, туман ва шаҳар босқичида 1367 нафар пойгачи иштирок этди.

Вилоят босқичида, айниқса, Касби туман жамоаси мусобақага яхши ҳозирлик кўрганини намойиш этишди. Касбиликларнинг тўрт нафари ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олгани ҳам сўзимиз исботидир.

35 ёшгача бўлган эркаклар ўртасида Қарши шаҳри вакили Зафар Аминов биринчи, унинг ҳамшаҳри Элнур Шаҳриддинов иккинчи, касбилик Рустам Валиев учинчи бўлди.

Шу ёш гуруҳидаги аёллар ўртасида эса косонлик Райҳон Тиловова, чироқчилик Ҳилола Дилмуродова, шаҳрисабзлик Барно Аралова марра чизиғини биринчилар қаторида босиб ўтишди.

35 ёшдан катта бўлган эркаклар ўртасида Юсуф Ражабов (Касби), Бахтиёр Исмоилов (Қамаши), Ўткир Азизов (Касби), аёллар орасида Ҳалима Аҳмедова (Қарши шаҳри), Наргиза Холиқова (Нишон), Манзура Шойқулова (Касби) шоҳсупадан жой олди.

Шунингдек, қатор номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланди.

— Ишга велосипедда бораман, — деди мусобақа ғолибаси, Қарши шаҳар 1-ихтисослашган мактаби ўқитувчиси Ҳалима Аҳмедова. — Бир неча йил олдин ўтган мусобақада 8-10 нафар хотин-қиз қатнашарди. Бугун уларнинг сони жуда кўпайган. Ўйлайманки, ўсиш давом этади.

— Ёшлигимдан узунликка сакраш, югуриш билан шуғулланаман, — деди Нишон тумани 1-умумтаълим мактаби директори Эркин Усмонов. — Ҳозир ёшим 66 да. “Энг ёши улуғ пойгачи” деб топишганида, тўғриси, бир неча ўн йилга яшариб кетгандек бўлдим. Кези келганда айтишим керакки, таълим муассасамизда ходимлар ўртасида тез-тез турли спорт мусобақалари ўтказилиши анъанага айланган.

Акмал АБДИЕВ,
“Ishonch” мухбири

***

Самарқанддаги “Нодир Самарқанд” меҳмонхонасига ёндош майдонга уч юзга яқин ҳаваскор велоспортчи йиғилди. Марафоннинг очилиш маросимида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров иштирокчиларга омад тилаб, спорт саломатликка, бардамлик ва баркамолликка хизмат қилишини, касаба уюшмалари ходимларни спортга жалб этиш орқали соғломлаштириш борасида тизимли ишларни амалга ошириб келаётганини таъкидлади.

Корхона ва ташкилотларда бўлиб ўтган биринчи босқичда 45723 нафар меҳнаткаш иштирок этди, туман (шаҳар)лар миқёсида 3200 нафар ҳаваскор қатнашди. Кўриниб турибдики спортнинг мазкур турига йилдан-йилга қизиқиш ортиб бораётир.

Эътиборли жиҳати, қатор корхоналарда мазкур турни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “Самавто” заводи маъмурияти ва бошланғич касаба уюшмаси ходимларнинг шуғулланиши учун тўла шароит яратиб берган. Шунингдек, мусобақада Жомбой, Оқдарё ҳамда Ургут туманлари, Самарқанд шаҳри босқичларида ғолибликни қўлга киритган спортчилар ҳам пешқадамлар сафидан ўрин эгаллади.

— Велосипед ҳайдаш орқали барча мушаклар чиниқади, қолаверса, ўпка, қон-томир, юрак фаолияти равонлашади, — дейди марафоннинг кекса иштирокчиларидан бири Султон Рабанақулов. — Бу спорт тури билан бир неча йилдан бери шуғулланаман. Касаба уюшмалари томонидан ташкил этилаётган барча ана шундай тадбирларда фаол иштирок этиб келаман. Жамоат ташкилотининг бу ташаббуси минглаб одамларга фойда бераётганлигига ишончимиз комил.

Мусобақа ғолиб ва совриндорларига бирлашма кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
“Ishonch” мухбири

БУНИ ҲАЁТ ДЕРЛАР...

ОЛТИН ОЛМА — ДУО ОЛ

Ҳовлимдаги иссиқхонада қиш бўйи етиштирилган ниҳолларнинг ўзимиздан ортганини эрта кўкламда бозорга олиб чиқдим. Билмаган одамга қийин экан, харидорга нисбатан сотувчи кўпдек туюлди. Савдони бошлашим, яъни “бай очиш”га тажрибам етмади. Кайфиятсиз, дилгир ўтирсам, бир отахон рўпарамга келиб, помидор ниҳолларининг нархини сўради.

— Минг сўмга эллик дона, отахон.

— Саксонтасини мингга бер.

— Ҳали «бай очганим» йўқ, майли, сизга етмиштасини минг сўмга бераман.

— Саксонтадан беравер, дуо қиламан.

Нуроний отахоннинг сазасини ўлдиргим келмади.

— Майли, олинг, — дедим-у, саксонтани минг сўмдан ҳисоблаб, беш минг сўмлик кўчат ўраб бердим.

Чол ўзида йўқ суюнди. “Ўғил-қизингнинг роҳатини кўр! Ишларингнинг ривожини берсин, тупроқ олсанг, олтин бўлсин!” — деб дуо қилди.

Ишонасизми, отахон ўз йўлига кетгач, харидор дегани ёпирилиб кетди. Кўчатларимни ҳаммадан олдин сотиб, уйга дурустгина бозорлик билан қайтдим. Халқимизнинг: “Олтин олма — дуо ол”, дегани шу экан-да...

Хуршида АБДИЕВА,
Чироқчи тумани

Реклама ўрнида

AGROBANK

Агробанк жамоаси 9-май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ҳамюртларимизга самимий эҳтиромини билдиради. Қўлларини дуога очиб, эл-юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлигини тилаётган отахону онахонларимиз ҳамиша омон бўлсинлар. Эзгуликлар диёри бўлган юртимиз янада гуллаб-яшнасин.

Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб жорий этилган “Эҳтиром” номли омонат турига маблағларингизни 10 кундан 365 кунгача бўлган давр оралиғида ўзингиз хоҳлаган муддатга қўйиб, ҳисобланган фоизларни ҳар ойда олишингиз мумкин.

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

ТАНАМИЗ — КИМЁ КОМБИНАТИ

Буни қарангки, танамиз нақд кимё комбинатининг ўзгинаси экан. Масалан, вужудимиздаги мавжуд хлор 5 та спорт бассейнидаги сувни дезинфекция қилишга етса, фосфор 20 минг тонна гугурт бошчасини ишлаб чиқаришга, ёғ эса 10 дона совун тайёрлашга кифоя қиларкан. Айтишларича, евро тангалари ошқозон ширасига солиниб, мустаҳкамлиги синаб кўрилган экан...

Одам организми нафақат кимёвий лаборатория, балки, тайёр дорилар ишлаб чиқарадиган фармацевтика заводи ҳамдир. Масалан, биз баъзи мева ҳамда сабзавотлар орқали оладиган бензол кислотаси танамизда ацетилсалицат кислота ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлайди. Маълумки, мазкур кислота машҳур хап дори — аспириннинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

***

Эринмаган олимлар инсон бошида нечта соч толаси борлигини санаб чиқишган. Одамда ўртача 100 минг дона соч толаси бўлиб, ҳар бир илдиздан навбати билан 20 тагача тола ўсиб чиқиши аниқланган. Бу борада малла сочлиларнинг омади чопган экан. Уларда 140-150 минг донагача соч толаси бўларкан. Қора сочлиларда ўртача 110, қўнғир сочлиларда 100-120, қизғиш сочларда эса 85-88 минг донадан иборатлиги исботланган.

***

Ҳамма биладики, кулиш соғлик учун фойдали. Француз невропотологларининг таъкидлашича, физиологик нуқтаи назардан йиғлаш юз учун хавфли экан. Чунки кулганимизда ундаги 17 та, йиғлаганимизда эса 43 та мушак ишга тушиб, юзимиздаги ажинлар сони кўпайишига сабаб бўларкан.

***

Танангизда қанча илик борлигини биласизми? Атиги 2 минг 600 грамм. Озгина-ю созгина деган жумла, айнан, иликка тегишли: у ҳаёти давомида 650 килограммгача эритроцит ва деярли бир тонна лейкоцит ишлаб чиқаради.

Ш.ТОШҚУЛОВА,
2-Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ДИСПАНСЕРИ БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Барча юртдошларимизни 9 май — Хотира ва қадрлаш куни билан табриклайди. Мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, яхши кайфият ҳамда барча эзгу ниятлари рўёбга чиқишини тилайди!

9 май

Осмонимиз мусаффо, Ватанимиз обод, тинчлигимиз барқарор бўлсин!

УСТОЗГА

Қўлларга қалам тутган,
Ва ёзишни ўргатган,
Алифбони ёдлатган
Устоз, сизга минг таъзим.

Доим ёруғ юзингиз,
Порлаб турар кўзингиз,
Ҳикмат тўла сўзингиз,
Устоз, сизга минг таъзим.

Суюб билим бердингиз,
Баъзан койиб турдингиз,
Кўпроқ ўқи дединги,
Устоз, сизга минг таъзим.

Зумрад МАНСУРОВА,
Сергели туманидаги 300-умумтаълим мактабининг 7- “Б” синф ўқувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси 3/1-уй манзилида жойлашган кўп қаватли турар жой биносининг бир қисми.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:
Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 137 кв.м.
Бошланғич нархи — 359 221 793 сўм.
Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.
Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 37-уй манзилида жойлашган омборхона бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:
Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 253 кв.м.
Бошланғич нархи — 351 187 069 сўм.
Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.
Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А”уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. Веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 12 июн куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А”уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 26 июн, 10-, 24 июл, 7-, 21 август, 7-, 21 сентябр, 6-, 20 октябр, 3-, 17 ноябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ “Ипак йўли” Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш бошланишидан эълон қилинган санадан бошланади ва бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А”уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли “Ишонч телефони”га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!
Хизматлар лицензияланган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:
“Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Мустақиллик кўчасидаги ТАТУ Фарғона филиали ҳудудида фаввора қурилиши”

Бошланғич нархи — **164 433,737 минг сўм ҚҚС сиз ва 197 320,485 минг сўм ҚҚС билан.**

Муддати — **60 кун.**

Қурилиш-монтаж ишлари: Шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Манзил: Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 185-уй, тел:(0373) 226-82-09, 226-82-31.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй, телефон/факс: (373)244-68-90, 244-68-92

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (офертаслар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 185-уй манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay’ati:
Abdulaziz Abdullayev, To‘lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug‘bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O‘rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o‘rinbosari)*, Akmal Toshev

BO‘LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e’lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-94) 418-67-49
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 999-58-30
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg‘ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: N.Choriyev
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **20:35**
Topshirildi — **21:30**
1 2 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 515.
19209 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi: 133